

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ФЕРУЗА НУРИЛЛОЕВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ
ДАРСЛАРИДА ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛАЛАРНИ
ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИАТЛАРИ

13.00.02– Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: [37.016:81:82]:373.3

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Абдуллаева Феруза Нуруллоевна

Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп
мақолаларни ўқитишнинг методик имкониятлари 3

Абдуллаева Феруза Нириллоевна

Методические возможности преподавания научно-популярных статей
на уроках родного языка и грамотности чтения..... 21

Abdullaeva Feruza Nurilloevna

Methodological possibilities of teaching popular science articles in the lessons
of the native language and reading literacy in elementary school..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ФЕРУЗА НУРИЛЛОЕВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ
ДАРСЛАРИДА ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛАЛАРНИ
ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИАТЛАРИ

13.00.02– Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш методикасини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг когнитив механизмлари таълим тизимига татбиқ этилган. Европа Иттифоқи Хайъатининг 2000 йилда қабул қилган “Умр бўйи таълим олиш масалалари бўйича Меморандум”да барча таълим олувчилар учун тенг имкониятларнинг яратилиши, умр бўйи таълим олиш (lifelong learning) истиқболлари асосида Европа Иттифоқининг умумий ўрта таълим берувчи мактаблар миқёсида халқаро алмашинувни (ўқувчилар алмашинувини) ташкил этувчи “Еуропа” махсус дастурларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида мактаб таълими мазмунини ҳар ўн йилликда такомиллаштириш, ўқувчилар томонидан бошланғич таълим маълумотининг самарали ўзлаштирилганини тасдиқловчи умумий битирув имтиҳонини топшириш асосида ўрта мактабга ўтишни таъминлашнинг меъёрий асосларини ривожлантириш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълимга бўлган қизиқиш ва иштиёқларини ривожлантиришнинг назарий масалаларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг китобхонлик тажрибаси ҳамда ахборотлардан мақсадли фойдаланиш малакаларини ривожлантириш, бошланғич синф ўқувчиларининг илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқини ўстириш, нутқ ўстиришда бадий-ифодали, ҳиссий-эстетик имкониятларни кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида, бошланғич таълим даврида PIRLS халқаро баҳолаш дастурлари бўйича тадқиқот методлари асосида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг меъёрий асослари яратилди, бошланғич таълимнинг моддий-техник базаси такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш ҳамда руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”¹ каби йўналишлар устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди. Бу эса таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб ўқувчилар нутқини ўстириш методикасини такомиллаштиришни ҳам тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2022 йил 11

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2017. – № 6 (766), 70-модда. – 38-бет.

майдаги ПФ-134-сон «2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ-5047-сон “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг оғзаки нутқини ўстириш, нутқ ўстиришнинг турлари, шакллари, ўқувчиларда оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш масалалари Қ. Абдуллаева, Б.Р. Адизов, К. Қосимова, М. Асқарова, Г.Р. Акромова, Ф. Аминова, О. Аслонова, Н. Бекниязова, Р.Х. Кабилов, М.Э. Жумаев, Т. Зиёдова, Р. Йўлдошев, Р. Ибрагимов, М. Йўлдошев, С. Матчанов, А. Нисанбаева, Н. Нурмухамедова, Ш. Нуруллаева, М. Рихсиева, Х. Бакиева, Ў. Рўзибоева, Қ. Шодиева, А. Сайфуллаев, Р. Сафарова, Д. Тошхўжаева, Қ. Шодиева, Ф. Ўринова, Х. Бакиева, М. Ҳамдамова, У. Машарипова, Х. Бакиева, А. Ҳамроев, Г. Маматовалар томонидан тадқиқ этилган.

Психология, педагогика, тилшунослик фанларининг бошланғич синф ўқувчиларида нутқ ўстиришдаги бадиий-ифодавийлик, ҳиссий-эстетик, маънавий-ахлоқий имкониятларини Л.Н. Галигузова, Е.О. Смирнова, И.Р. Гальперин, И.Л. Гаркунова, К.Т. Голенкина, В.В. Гербова, Л.М. Лосева, И.В. Ключина, В.И. Капинос, Н.Н. Сергеева, М.С. Словейчик, М. Львов, Н.Н. Светловская, Е.И. Матвеева, Л. Петре, Н. Политова, П.С. Пуставалов, Г. Приступа, А. Рагимов, Т. Рамзаева, Д.М. Гарипова, Л.В. Рыжкова, Д.Б. Эльконинлар тадқиқ этишган.

Сью Крум (Sue Croome), Маргарет Фэйрхолл (Margaret Fairhall), Джим Роуз (Jim Rose)ларнинг илмий ишларида кичик ёшдаги ўқувчилар нутқини ўстиришнинг шахс интеллектига таъсири муаммолари тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Бошланғич таълимга рақамли технологияларни татбиқ қилиш методикасини такомиллаштириш” (2019-2022) йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитишнинг методик имкониятлари бўйича педагогик, психологик ва методик адабиётларни таҳлил қилиш;

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали ўқувчилар нутқини ўстириш механизмини такомиллаштириш;

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш орқали нутқ ўстиришга оид ўқувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини синфлар кесимида шакллантириш босқичларини аниқлаш;

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш орқали ўқувчиларнинг илмий-оммабоп мақолаларни тинглаб тушуниш ва англаш даражаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш шакли, методи ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда педагогик, психологик ва методик адабиётларни назарий таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, суҳбат, савол-жавоб, анкета, педагогик кузатиш, педагогик тажриба, мониторинг, умумлаштириш, тест, математик статистика методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш методикаси тил, нутқ ва тафаккур боғлиқлигининг мотивациявий, когнитив ҳамда фаолиятли мезонларининг перцептив хусусиятларини (пинбоард, прагматизм, эргономика) коммуникатив жараён ва (праксиология, off-line ва операцион ўйинли) рефлексив машқлар орқали фаоллаштириш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитишнинг нутқни ўстириш жараёни модели компетенциявий ёндашув мезонларининг аниқлик, изчиллик, натижавийлик,

самарадорлик, қиёсийлик, мантикийлик тамойилларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш дарси босқичларининг амалий ва натижавий таркиби мотивацион, коммуникатив-когнитив ёндашувга таяниб эвристик ҳамда продуктив таълим уйғунлигини, бадиий-эстетик тафаккурни ва маънавий-ахлоқий дунёқарашни ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларини диагностик лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш самарадорлиги ўқувчиларнинг психологик-иродавий ва ахлоқий жиҳатлари мустақил фаолиятини белгилаш, кооператив таълимнинг интерфаол шакллари, ғоялар тўплами, экспресс ахборот, ижодий лидер, ролли ўйинлар мазмунини лойиҳалаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитишнинг методик имкониятлари 1-2-синф материаллари мисолида илмий-методик жиҳатдан асосланган ва умумлаштирилган;

бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришнинг устувор тамойиллари, жараённинг модели, ушбу жараёнга оид таълим технологиялари ва амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

бошланғич таълим тизимида “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ўқув фани бўйича миллий ўқув дастури, методик қўлланмалар ҳамда тадқиқот натижаларига асосланган бошланғич таълим йўналиши талабалари учун “Синфда ўқиш методикаси” номли ўқув қўлланма амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, педагогик ва психологик, методик ёндашиш ҳамда бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методикасини такомиллаштиришда Республикамиз ва хориж олимлари тажрибасига асослангани, тадқиқот вазифаларига мос методлар танлангани, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминлангани, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш методикасининг такомиллаштирилгани, диссертация материали Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида махсус курслар орқали ўқитишни йўлга қўйиш, нутқ ўстириш билан боғлиқ семинарларни ташкил этиш ва илмий изланишлар олиб боришда методик манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий методларининг ёритилгани ҳамда нутқ ўстиришга оид ишлаб чиқилган амалий-методик тавсиялар ва асослаб берилган аҳамиятли назарий билимлардан бошланғич синфларнинг “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ўқув фани бўйича дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда, тайёрланган дарс ишланмалари ва тест топшириқларидан бошланғич таълим амалиётида ҳамда PIRLS (Progress in International Reading and Literacy Study) номли 4-синф ўқувчиларининг илмий-оммабоп мақолаларни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш учун қўлланадиган ва PISA (The Programme for International Student Assessment) номли 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш бўйича саводхонлигини баҳолаш халқаро тадқиқот дастурига тайёргарлик ишларида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитишнинг методик имкониятларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш методикаси тил, нутқ ва тафаккур боғлиқлигининг мотивациявий, когнитив ҳамда фаолиятли мезонларининг перцептив хусусиятлари (пинбоард, прагматизм, эргономика) коммуникатив жараён ва (праксиология, off-line ва операцион ўйинли) рефлексив машқлар орқали фаоллаштириш, ўқитиш самарадорлигини аниқловчи квалиметрик мезонлар ва кўрсаткичларига доир таклиф ва тавсиялар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг А-ОТ-2021-419-рақамли “Давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини ошириш курсининг электрон платформасини яратиш (Pre-school PDP)” (2020-2021 йй) мавзусидаги грант лойиҳасини “Бўлажак педагогларнинг мустақил таълим жараёнини инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали ташкил этиш” қисмини бажаришда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 18 ноябрдаги 04/11-7354-сон далолатномаси). Натижада, машғулотларда коммуникатив жараён ва рефлексив машқлар орқали фаоллаштириш, ўқитиш самарадорлигини аниқловчи квалиметрик мезонлар ва кўрсаткичларни аниқлаш имконияти яратилган;

бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитишнинг нутқни ўстириш жараёни модели компетенциявий ёндашув мезонларининг аниқлик, изчиллик, натижавийлик, самарадорлик, қиёсийлик, мантиқийлик тамойилларини қўллашга оид хулосалардан “Синфда ўқиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 302-сон буйруғи, 302-1124 рақамли нашр гувоҳномаси). Натижада, бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий оммабоп мақолалар

устида ишлаш орқали ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда самарадорликка эришилган;

илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш дарси босқичлари амалий ва натижавий таркиби мотивацион, коммуникатив-когнитив ёндашувга таяниб эвристик ҳамда продуктив таълим уйғунлигини бадиий-эстетик тафаккурни ва маънавий-ахлоқий дунёқарашни ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятлари диагностик лойиҳалаш асосида такомиллаштиришга доир тавсиялардан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг А-ОТ-2021-419-рақамли “Давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини ошириш курсининг электрон платформасини яратиш (Pre-school PDP)” (2020-2021 йй) мавзусидаги грант лойиҳасини “Бўлажак педагогларнинг мустақил таълим жараёнини инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали ташкил этиш” қисмини бажаришда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 18 ноябрдаги 04/11-7354-сон далолатномаси). Натижада, бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитишнинг методик имкониятларини ва уларнинг тайёргарлик даражаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот юзасидан жами 20 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (3 та республика ва 4 та хорижий журнал) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 144 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги келтирилган, амалий натижалар ва тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитишнинг назарий-методологик масалалари” деб номланган биринчи бобда бошланғич синф она тили ва

Ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методик муаммо сифатида қаралган, ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришнинг психологик хусусиятлари ҳамда унинг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиш ҳолати баён этилган. Бунда “нутқ”, “нутқ ўстириш”, “нутқни ривожлантириш”, “илмий-оммабоп мақолалар” тушунчалари изоҳланган, ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш жараёнида устувор бўлган тамойиллар, “Ўқиш” ўқув фани бўйича илмий-оммабоп мақолалар устида ишлашга йўналтирилган таълим шакллари, бу жараёнда ўқувчиларда шаклланадиган кўникма ва малакалар, жараённинг модели, “Ўқиш китоби” дарсликларида келтирилган илмий-оммабоп мақолаларнинг турлари, бошланғич синф ўқувчилари учун характерли бўлган ахборотларни қабул қилиш даражалари, 1-2-синфларнинг “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ўқув фани бўйича дастур ва дарсликларнинг таҳлили келтирилган.

Тадқиқотни олиб бориш даврида бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш жараёнида устувор бўлган тамойиллар ҳам аниқланди. (1-расмга қаранг).




1-расм. Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолаларни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган устувор тамойиллар

Маълумки, нутқ фақатгина фикр ифодалаш, ахборот алмашиш, тил воситаларидан фойдаланиш жараёнигина эмас, балки шахснинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш асоси экани психологик нуқтаи назардан исботланган. Нутқ ўстириш шахс томонидан оғзаки ва ёзма бадиий тил меъёрлари: тўғри талаффуз, урғу, грамматика, сўзларни тўғри қўллаш қоидаларини ўзлаштириш орқали унда тилнинг бадиий ифода воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда раво сўзлаш малакаларини ривожлантиришни

ифодаловчи педагогик жараёнدير. Бошланғич синфларда ўқиш дарсларининг асосий мақсади ўқувчиларни илмий-оммабоп мақолалар мазмунини тўғри тушуниш, онгли ва ифодали ўқий олиш, илмий-оммабоп мақолаларда берилган ахборотни идрок қилиш, илмий-оммабоп мақолаларда ифодаланган воқеликка нисбатан муносабат билдиришга тайёрлашдан иборат.

Ушбу устувор тамойиллар асосида бошланғич синфларда “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ўқув фани бўйича илмий-оммабоп мақолалар устида ишлашга йўналтирилган дарс қуйидаги шаклларда ташкил этилади.(2-расмга қаранг)



2-расм. “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарсларида илмий-оммабоп мақола устида ишлашда таълим шакллари


Илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш жараёнидаги кириш суҳбатида ўқитувчи томонидан ёзувчи ҳаёти ва ижодининг муҳим жиҳатлари баён этилади, унинг асарларига нисбатан ўқувчиларда қизиқиш туйғуси уйғотилади. Илмий-оммабоп мақолаларни таҳлил қилиш эса ўқувчиларни ижодий ва мустақил фикрлашга йўллашнинг муҳим омили бўлиб, бу жараёнда асарда тасвирланган воқеаларга ўқувчилар ўз муносабатини билдиради, нотаниш сўзлар маъносини билиб олади, илмий-оммабоп мақолаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етади.

Илмий-оммабоп мақолалар юзасидан умумлаштириш ва хулосалар чиқариш унда акс этирилган масалаларни чуқур идрок этиш, мавзунинг очилмай қолган қирралари ҳақида мулоҳаза юритиш, ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилади.

Тадқиқотда бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали ўқувчилар нутқининг ўсганлигини ифодаловчи кўникма ва малакалар ҳам аниқланган.


Илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш моҳият эътибори билан асар мазмунини ўзлаштириш, ғоявий-бадий хусусиятларини ўрганиш ва шу асосда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш орқали маънавий-ахлоқий тарбия бериш вазифасига хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот ишида илмий-оммабоп мақолаларни сўз орқали ва график тасвирлаш, образли ўхшатишлар устида ва намуна бўйича ҳамда илмий-оммабоп мақолалар мазмунига оид савол-топшириқлар устида ишлаш каби усуллар ҳақида батафсил маълумот келтирилган.

Тадқиқот иши давомида бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш жараёни модели ишлаб чиқилди. (3-расмга қаранг).



3-расм. Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш жараёнининг модели.

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар давомида “Она тили ва ўқиш саводхонлиги дарслиги”да берилган илмий-оммабоп мақолалар устида ишлашда савол ва топшириқларни қуйидагича таснифлаш мумкин. (4-расмга қаранг).



4-расм. «Она тили ва ўқиш саводхонлиги» дарсликларидида берилган матности савол-топшириқларининг асосий турлари

Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришнинг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиш ҳолати, мавзуга доир илмий ишлар, дарслик, қўлланма, ДТС (давлат таълим стандартлари) ва дастурлар ҳамда амалда қўлланиб келинган ва қўлланаётган 1- ва 2-синф “Она тили ва ўқиш саводхонлиги китоби”нинг ғоявий-назарий жиҳатдан бугунги кун талабларига жавоб бериши таҳлил қилинган.


Диссертациянинг иккинчи боби “**Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методикаси**” деб номланиб, унда бошланғич синфларда илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришда ўқиш ва она тили таълимининг узвийлиги, илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методлари ва нутқ ўстириш бўйича таълим технологиялари ҳақида сўз юритилган.

Маълумки, шахснинг муайян сифатларини тарбиялаш, мавжуд билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришда фанлараро узвийлик муҳим аҳамият касб этади. Диссертация доирасида ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган билимлар, уларда ҳосил бўладиган кўникма ва малакалар нуқтаи назаридан ўқиш ва она тили таълимининг хусусиятлари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳисобга олиниб, бу жараёнда она тили ва ўқиш дарсларида амалга оширилиши керак бўлган ишлар тавсифланди, сўз устида ишлаш, зид ва маънодош сўзлар воситасида ўқувчилар нутқини

ўстириш борасида тавсиялар берилди, турли хил ижодий машқлардан намуналар келтирилган.

Диссертацияда PIRLS (Progress in International Reading and Literacy Study) номли бошланғич синф ўқувчиларининг илмий-оммабоп мақолаларни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш учун қўлланадиган халқаро тадқиқотга тайёргарлик ишларида бадийий ва ахборот илмий-оммабоп мақолаларлар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш усуллари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида қуйидаги самарали таълим методларидан фойдаланилди (5-расмга қаранг).



5-расм. Бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақола устида ишлаш орқали нутқ ўстиришнинг самарали методлари

Ишда ушбу методлар тавсифланди, турли усуллар билан бойитилди.

Тадқиқот давомида “Равон нутқ” таълим технологияси ҳам ишлаб чиқилди ва асосланди. Мазкур технология ифодали ўқиш, савол-жавоб, машқ, луғат билан ишлаш, қайта ҳикоя қилиш, мустақил ишлаш, тест методлари асосида шакллантирилди ва 1-синф “Она тили ва ўқиш саводхонлиги китоби” дарслигида берилган “Қаламга қадар” илмий-оммабоп мақолалари мисолида ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлашга оид тажриба-синов ишларининг натижалари”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг моҳияти, натижаларнинг таҳлили ва самарадорлик даражаси баён этилган.

Тажриба-синов ишларини талаб даражасида олиб бориш, энг аввало, тажриба-синовнинг педагогик асосларини ташкил қилиш ва уни бошқариш жараёнининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, тажриба-синов амалиёти ва натижаларини илмий-методик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш мақсадида бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методикасини такомиллаштиришга қаратилган тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда ташкил этилган:

1. *Асословчи тажриба босқичи (2019-2020 йиллар)*. Унда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва методистлар ўртасида анкета (сўровнома)лар, индивидуал суҳбатлар уюштирилди. Анкета (сўровнома)лар ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлашда амалда қўлланаётган усуллар, илғор тажрибаларни аниқлашда яқиндан ёрдам берди. Мазкур жараёнда бошланғич

синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришнинг мавжуд аҳволи баҳоланди, бу борадаги камчиликлар аниқланди, юқори самарадорликка эришиш имконини берувчи ишлар режаси ҳамда инновацион характерга эга методик ишланмалар тайёрланди.

2. *Шакллантирувчи тажриба босқичи (2020-2021 йиллар)*. Ушбу босқичда бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга оид махсус методика асосида амалиёт учун тавсия этилган инновацион характердаги методик ишланмалар асосида кўплаб дарслар ташкил этилди. Бу жараёнда она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга хизмат қилувчи методларнинг самарали бўлишига аҳамият берилди.

3. *Таъкидловчи тажриба босқичи (2021-2022 йиллар)*. Мазкур босқичда бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга оид энг мақбул усулларнинг амалиётга мослиги ва самарадорлиги баҳоланиб, махсус методика мазмунига зарур ўзгартиришлар ҳамда кўшимчалар киритилди. Ушбу босқичнинг таҳлилий жараёнида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга оид яхлит тизимли ишлар тўғрисида хулосалар чиқарилди ва амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тажриба майдонлари сифатида қуйидаги умумий ўрта таълим мактаблари танланди: Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 6, 11, 18, 22, 25, 26, 28, 33-сонли, Бухоро туманидаги 5-сонли, Жондор туманидаги 2, 33-сонли, Когон туманидаги 2, 4, 5, 14-сонли, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 36, 38, 69-умумий ўрта таълим мактабларида, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 7, 21, 44, 47-сон умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчилари ва бошланғич синф ўқитувчилари гуруҳларида амалга оширилган.

Респондентлар сифатида тажриба майдонлари бўлган мактабларда фаолият юритаётган методистлар, бошланғич синф ўқитувчи ва ўқувчилари жалб қилинди ва уларнинг сони қуйидагича белгиланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тажриба-синов ишларига жалб этилган респондентларнинг тоифаси ва сони

Т/р	Респондентлар	Уларнинг сони (нафар ҳисобида)
1.	Методистлар	6
2.	Бошланғич синф ўқитувчилари	8
3.	Бошланғич синф ўқувчилари	235

Тажриба-синов аввалида иш тажрибаси, маълумоти турлича бўлган ўқитувчилар билан суҳбат уюштирилди, улар ўртасида сўровномалар ташкил этилди, туркум дарслар кузатилиб, унинг натижаси таҳлил қилинди. Тажриба-синов ишларида жами 26 нафар бошланғич синф ўқитувчиси ва 1270 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этишган.

Ушбу тадқиқот давомида асосий эътибор бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг илмий-оммабоп мақолалар устида ишлай олиш

кўникма ва малакаларига эгаллигини аниқлашга қаратилди. Тавсия этилаётган махсус методиканинг амалиётга татбиқини ўрганиш орқали тажриба-синов ишининг самарадорлигини баҳолаш имкониятига эга бўлиш учун тажриба ва назорат синфлари белгиланди. Синов ишларига жалб этилган ўқувчилар тасодифий танлов асосида тажриба (117 нафар) ва назорат (118 нафар) синфларига бириктирилди. Назорат синфларида ўқиш дарслари ўқув фани дастурига мувофиқ, тажриба синфларида таклиф этилган бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга оид махсус методика асосида таълим жараёни ташкил этилган.

Тадқиқот давомида 1-2-синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали ўқувчилар нутқини ўстириш методикасини ҳамда бу жараёнда уларнинг илмий-оммабоп мақолаларни тинглаб тушуниш ва англаш даражаларини такомиллаштириш бўйича Халқаро тадқиқот (PIRLS)га тайёргарлик ишлари юзасидан ҳам тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу халқаро дастур талабларига мос равишда бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш методикаси “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарсликларида келтирилган бадий илмий-оммабоп мақолалар (“Асалари қандай боқилади?”(1-синф)) ва ахборот илмий-оммабоп мақолалари (“Катта бўлсам Нобель мукофотини оламан” (2-синф) мисолида тавсия этилди. Шу ўринда бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш жараёнида қўлланадиган тест топшириқлари устида ишлаш таълим самарадорлигини оширувчи методлардан бири эканлиги асосланди.

Тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали ўқувчиларда нутқнинг ўсганлигини баҳоловчи қуйидаги **мезонлар** ишлаб чиқилди:

1. Илмий-оммабоп мақолаларни ифодали ўқиш.
2. Илмий-оммабоп мақолалар бўйича луғат билан ишлаш.
3. Илмий-оммабоп мақолалар мазмунини қайта ҳикоя қилиш.
4. Илмий-оммабоп мақолалар билан мустақил ишлаш.

Мазкур мезонлар бўйича бошланғич синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали ўқувчилар нутқининг ўсганлик даражаси белгиловчи даража кўрсаткичлари ҳам белгиланди. Улар:

1. Юқори даража. Илмий-оммабоп мақолаларни ифодали ўқий олади, илмий-оммабоп мақолалар бўйича луғат билан самарали, фаол ишлайди, илмий-оммабоп мақолалар мазмунини эркин қайта ҳикоя қилади, илмий-оммабоп мақолалар билан мустақил ишлай олади.

2. Ўрта даража. Илмий-оммабоп мақолаларни зарур даражада ифодали ўқий олади, илмий-оммабоп мақолалар бўйича луғат билан ишлаш ҳамда илмий-оммабоп мақолалар мазмунини қайта ҳикоя қилиш малакаларига эга, бироқ илмий-оммабоп мақолалар билан мустақил ишлашда қийинчиликларга дуч келади.

3. Қуйи даража. Илмий-оммабоп мақолаларни зарур даражада ифодали ўқишга ҳаракат қилади, бироқ илмий-оммабоп мақолалар бўйича луғат билан ишлаш ҳамда илмий-оммабоп мақолалар мазмунини қайта ҳикоя қилишда

қийинчиликларга дуч келади, илмий-оммабоп мақолалар билан мустақил ишлай олмайди.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари қуйидаги натижаларни берди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

Илмий-оммабоп мақолалар мазмунини англаш ва ўқувчилар нутқининг ўсганлик даражаси

Ўқув топшириқлари	Назорат синфлари				Тажриба синфлари			
	Ўқувчилар сони	Юқори даража	Ўрта даража %	Қуйи даража %	Ўқувчилар сони	Юқори даража	Ўрта даража %	Қуйи даража %
1. Илмий-оммабоп мақолаларни ифодали ўқиш, луғат устида ишлаш	118	23,56	48,37	28,07	117	29,47	56,85	13,68
2. Илмий-оммабоп мақолаларни мазмунини қайта ҳикоя қилиш	118	29,27	39,02	31,71	117	34,68	41,94	23,38
3. Илмий-оммабоп мақолалар мазмунини сақлаган ҳолда шаклан ўзгартириб қайта ҳикоя қилиш	118	12,73	20,91	66,36	117	16,67	25,0	58,33
4. Ўқилган илмий-оммабоп мақолаларга оид саволлар тузиш	118	26,98	33,64	39,38	117	30,4	36,8	32,8
5. Илмий-оммабоп мақолалардаги асосий фикрни аниқлаш	118	13,39	20,47	66,14	117	19,84	24,60	55,56


Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда 1- ва 2- синф ўқиш дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга оид натижаларни аниқлаш бўйича тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришлар математик статистика методлари орқали таҳлил қилинди ва умумлашган ҳолда қуйидаги жадвалда акс эттирилди (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал

Илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга оид тажриба-синов натижалари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба синфи	117	44	39	34
Назорат синфи	118	25	35	58

Бу қийматларга мос келган диаграмма қуйидагича бўлади (8-расмга қаранг):



8-расм. Илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга оид тажриба-синов натижалари диаграммаси

Олинган натижалардан тажриба синфларидаги ўзлаштириш назорат синфларидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, тавсия этилган махсус усул ва методларнинг самарадорлиги асословчи ва таъкидловчи тажрибалар натижаларини ўзаро қиёсий ўрганиш, таъкидловчи тажриба натижаларини статистик таҳлил қилиш нафақат синов ишларининг, балки тадқиқотнинг ҳам илмий-педагогик жиҳатдан муваффақиятли ташкил этилганлигидан далолат берди.

Тадқиқот натижалари асосида яратилган дарсликлар ва методик қўлланмаларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилганлиги ва илмий-оммабоп мақолалар асосида ўқувчилар нутқини ўстириш бўйича юқори самарадорликка эга дарс намуналарининг ишлаб чиқилганлиги олиб борилган тажриба-синов ишларининг самарали кечганлигини ва илмий-педагогик нуқтаи назардан ишончлилигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

1. Ҳар томонлама баркамол, эркин фикрлайдиган шахсларни тарбиялашда ўқувчилар нутқини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Умумий ўрта таълим мактаблари олдидаги ушбу вазифани тўлақонли бажариш кўп жиҳатдан бошланғич синфларда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг боғланишли нутқини талаб даражасида ўстириш билан чамбарчас боғлиқ.

2. Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида нутқ ўстириш ишининг илмий-оммабоп мақолалар асосида амалга оширилиши бу жараёнда самарали ютуқларни қўлга киритиш имконини беради. Бу эса нутқ ўстириш ишини устувор тамойиллар асосида ташкил этишни тақозо қилади.

3. Илмий-оммабоп мақолаларни таҳлил қилиш, илмий-оммабоп мақолаларнинг мавзу доирасини аниқлаш, савол-топшириқлар билан ишлаш, илмий-оммабоп мақолаларни қисмларга ажратиш, режа тузиш, илмий-

оммабоп мақолалардаги иштирокчиларга оддий тавсиф бериш, оғзаки ҳикоя тузиш, илмий-оммабоп мақолалар мазмунини қайта ҳикоялаш, ижодкорлик сифатларини таркиб топтириш каби йўналишларда иш олиб бориш бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришда катта аҳамият касб этади.

4. Бошланғич синфларда оғзаки, ёзма, ташқи ва ички нутқ турларининг ўзига хос хусусиятларини, ўқувчиларнинг психологик-иродавий ва ахлоқий жиҳатларини ҳисобга олиш нутқ ўстириш жараёнининг муваффақиятли кечишини кафолатлайди.

5. Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методикасини такомиллаштиришда ўқувчиларнинг бадий асарни тўғри ва тўлақонли қабул қилишига кўмак бериш, яъни уларни фрагментар даражадан “комиллик” даражасига олиб бориш нутқ ривожига катта аҳамиятга эга.

6. Бошланғич синфларда илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстиришда ўқиш ва она тили дарслари ўртасидаги ўзаро алоқадорликдан унумли фойдаланиш кутилган натижанинг қўлга киритилишини таъминлайди.

7. Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақолалар устида ишлаш орқали нутқ ўстириш жараёнида илмий-оммабоп мақолалар савол-топшириқлари устида ишлаш, луғат иши, илмий-оммабоп мақолалар мазмунини қайта ҳикоя қилиш, бу жараёнда мустақил ва ижодий ишлардан ҳамда тест топшириқларидан тўғри ва унумли фойдаланиш ўқувчилар нутқини ўстиришдаги асосий, айти пайтда, энг самарали усуллар ҳисобланади.

8. Тавсия этилган махсус усул ва методларнинг самарадорлиги асословчи ва таъкидловчи тажрибалар натижаларини ўзаро қиёсий ўрганиш, таъкидловчи тажриба натижаларини статистик таҳлил қилиш олиб борилган синов ишлари ҳамда тадқиқотнинг илмий-педагогик жиҳатдан муваффақиятли ташкил этилганлигини тасдиқлади.

ТАВСИЯЛАР

1. Бошланғич таълим ва унинг самарадорлигини оширишга доир ўқув қўлланмаларда она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақола устида ишлаш орқали ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга инновацион ёндашиш масаласининг ёритилишига эришиш.

2. Интернет тармоғининг ўзбек сегментида бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақола устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга доир хорижий ва маҳаллий иш тажрибаларининг изчил ёритиб борилишини таъминлаш.

3. Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида илмий-оммабоп мақола устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга доир ривожлантирувчи таълим технологияларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУЛЛАЕВА ФЕРУЗА НУРИЛЛОЕВНА

**МЕТОДИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ОБУЧЕНИЯ НАУЧНО-
ПОПУЛЯРНЫХ СТАТЕЙ НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА И
ЧИТАТЕЛЬСКОЙ ГРАМОТНОСТИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ**

**13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания
(начальное образование)**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за №B2022.3.Phd/Ped3855 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz), а также в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хамроев Алижон Рузикулович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Махмудов Мэлс Хасанович
доктор педагогических наук, профессор
Нуриллаева Шахло Уктамовна
доктор педагогических наук (DSc), профессор

Ведущая организация:

Навоийский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится « 24 » декабря 2022 г. в « 10⁰⁰ » часов на заседании Научного совета PhD.03/30. 12.2019.Ped.72.04 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под № 241). (Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (65) 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан « 13 » декабря 2022 года.

(Протокол реестра № 19 от 13 декабря 2022 года.



С.К. Каххоров
председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор педагогических наук, профессор

А.Р. Жураев
секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по педагогическим наукам, доцент

Х.О. Жураев
председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор педагогических наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом образовательном учреждении к системе образования был применен когнитивный механизм совершенствования методики обучения предмету «Родной язык и литература» на основе интегративного подхода. В «Меморандуме по вопросу непрерывного обучения», принятом Советом Европейского Союза в 2000 г., предусмотрено создание равных возможностей для всех учащихся, обучение в течение всей жизни, а также организация международных обменов (lifelong learning) на уровне общего образования школ Европейского Союза, исходя из перспективы обучения на протяжении всей жизни. Ведется системная работа по реализации специальной программы образования «Европа».

Во всемирном образовательном и научно-исследовательском учреждении, совершенствующем содержание школьного образования в последние десять лет, разрабатываются базовые основы обеспечения перехода в среднюю школу на основе сдачи общего выпускного экзамена, подтверждающего освоение начального образования учащихся, а также расширение основной проблемы развития интереса и увлеченности учебной деятельностью младшего школьного возраста. При этом особое внимание уделяется научным исследованиям по совершенствованию навыков чтения учащихся и умения целенаправленно пользоваться печатной литературой, развитию четкой речи младших школьников, работе над научными и популярными статьями, расширению художественно-выразительных, эмоционально-эстетических способностей речи.

В нашей республике в государственных и негосударственных организациях дошкольного образования в период начального обучения на основе методики исследования национальной программы оценивания PIRLS была создана основная база развития речи учащихся, и совершенствовалась материально-техническая база начального образования. В стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан определены такие направления, как «коренное повышение качества общего образования, поддержка и развитие творческого и интеллектуального потенциала подрастающего поколения, формирование молодых людей интеллигентных и интеллектуально зрелых, самостоятельных мыслителей, верных Родине и имеющих твердые взгляды на жизнь»¹. Это также требует совершенствования методики развития речи учащихся с начального этапа обучения.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Законе Республики Узбекистан ЗРУ-637 «Об образовании» от 23 сентября 2020 года, Указах Президента Республики Узбекистан УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, УП-5712, «О мероприятиях дальнейшего совершенствования системы дошкольного образования в 2017-2021 годах» от

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2017. – № 6 (766), 70-модда. – 38-бет.

29 апреля 2019 года, УП-134 «Об утверждении национальной программы по развитию народного образования в 2022-2026 годах» от 11 мая 2022 года, Постановлениях ПП- 2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, ПП-3271 «О развитии системы издания и распространения книжной продукции, развитии культуры чтения и чтения, разработке комплексной полиграфической и обучающей программы» от 13 сентября 2017 года, ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018, ПП-5047 «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере науки и государственного управления в области инновационного развития» 1 апреля 2021 года, а также, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №824 «О мерах по совершенствованию системы связанной с организацией учебного процесса в высших учебных заведениях» и в других нормативно-правовых документах по отрасли,

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено по направлению приоритета I. «Формирование системы инновационных идей и реализация плана социально-правового, экономического, культурного, духовно-просветительского развития демократического общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Развитие устной речи учащихся начальной школы, тема и форма развития речи, проблема развития устной и письменной речи учащихся К. Абдуллаева, Б.Р. Адизов, К. Косимова, М. Аскарлова, Г.Р. Акромов, Ф. Аминова, О. Аслонова, Н. Бекниязова, Р.Х. Кабилов, М.Э. Жумаев, Т. Зиёдова, Р. Йўлдошев, Р. Ибрагимов, М. Йўлдошев, С. Матчанов, А. Нисанбаева, Н. Нурмухамедова, Ш. Нуруллаева, М. Рихсиева, Х. Бакиева, У. Рузибоева, К. Шодиева, А. Сайфуллаев, Р. Сафарова, Д. Тошхўжаева, К. Шодиева, Ф. Уринова, Х. Бакиева, М. Хамдамова, У. Машарипова, Х. Бакиева, А. Ҳамроев, Г. Маматова и другие.

Художественно-выразительные, эмоционально-эстетические, духовно-этические возможности развития речи у учащихся начальной школы психологии, педагогики, языкознания исследовали следующие учёные-педагоги Л.Н. Галигузова, Е.О. Смирнова, И.Р. Гальперин, И.Л. Гаркунова, К.Т. Голенкина, В.В. Гербова, Л.М. Лосева, И.В. Ключина, В.И. Капинос, Н.Н. Сергеева, М.С. Словейчик, М. Львов, Н.Н. Светловская, Е.И. Матвеева, Л. Петре, Н. Политова, П.С. Пуставалов, Г. Приступа, А. Рагимов, Т. Рамзаева, Д.М. Гарипова, Л.В. Рыжкова, Д.Б. Эльконин.

В научной работе Сью Крум (Sue Croome), Маргарет Фэйрхолл и Джима Роуза (Jim Rose) изучено влияние развития речи младших школьников на интеллект личности.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Исследование

выполнено в рамках проекта по теме “Усовершенствование методики применения цифровых технологий в начальном образовании” (2019-2022 гг.) согласно плану научно-исследовательских работ Бухарского государственного университета.

Цель исследования – на основе совершенствования методики обучения научно-популярных статей в начальной классах на уроках родного языка и читательской грамотности.

Задачи исследования:

анализ педагогической, психолого-методической литературы о методической возможности преподавания научно-популярных статей в начальных классах на уроках родного языка и читательской грамотности;

